

“Portlatishsanoat” акциядорлик жамияти
акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши
Б А Ё Н Н О М А С И №2

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғи бўстон кўчаси, 139-уй

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2022 йил 20 июнь, соат 15-00.

Йиғилиш тури: Навбатдаги умумий йиғилиш.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кузатув кенгашининг 2022 йил 25 майдаги мажлиси қарорига асосан чақирилган.

“Portlatishsanoat” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) томонидан муомалага чиқарилган жами акциялар сони 1 355 689 дона, шундан овоз берувчи акциялар 1 255 689 дона. жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акциялари сони 857 689 дона. Йиғилиш кворуми 68,3 фоиз.

Раислик қилди: Жамият Кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев

Қатнашдилар:

- Жамият акциядорлари ва акциядорларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);
- Жамият бошқарув раиси - А.У. Газиев

Йиғилишни жамият кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев олиб борди ва йиғилишда қуйидаги тартибда овоз беришни таклиф қилди:

- Йиғилиш ишчи органи (Президиум ва котиби), регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш - очик овоз бериш йўли билан;
- Йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - очик овоз бериш йўли билан

Таклиф овозга қўйилди.

Таклиф очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Жамият кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев умумий йиғилишни қонун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш Президиуми, раиси ва котибини сайлаш кераклигини таъкидлаб ўтди ва қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш президиумига, йиғилиш раислиги ва котиблигига сайлашни таклиф қилди:

• Йиғилиш Президиуми:

1. Ш.Т. Салыходжаев - жамият кузатув кенгаши раиси
2. А.У. Газиев - Жамият бошқарув раиси
3. Д.М. Шарафудинова - Жамият ходими

• Йиғилиш раиси - Ш.Т. Салыходжаев.

• Йиғилиш котиби – Д.М. Шарафудинова

Очик овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:

- **Йиғилиш Президиуми** - Ш.Т. Салыходжаев, А.У. Газиев, Д.М. Шарафудинова;
- **Йиғилиш раиси** - Ш.Т. Салыходжаев;

- **Йиғилиш котиби** – Д.М. Шарафудинова.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва Президиумдан ўз жойларини эгаллашларини сўради.

Йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев акциядорлар умумий йиғилишида овозларни санаб чиқиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун камида уч кишидан иборат санок комиссиясини сайлаш лозимлигини билдирган ҳолда санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф қилди: Д.М. Шарафудинова, Л.В. Абдурахманова, К.З. Мирсағатов.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди ва очик овоз бериш йўли билан бир овоздан сайланди.

Жамият акциядорлар умумий йиғилишида катнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорларни жамлаш натижалари ва йиғилиш кворумини аниқлаш учун йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзни санок комиссияси аъзоси Д.М. Шарафудиновага берди.

Санок комиссияси раиси Д.М. Шарафудиновага сўзга чиқиб, йиғилишда жами 857 689 дона овозга эга бўлган 1 та акциядор рўйхатдан ўтганлигини ва йиғилиш кворуми 68,3 фоизни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига асосан мажлисни ўтказиш учун кворум мавжудлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, “Portlatishsanoat” Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши томонидан тайёрланган йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиши санок комиссияси аъзоларини тасдиқлаш.
3. Жамият бошқарув раисининг 2021 йил молия - хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес-режа параметрларини бажарилиши тўғрисида ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2021 йил молия - хўжалик фаолияти якуни бўйича бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2022 йилга бизнес - режасини тасдиқлаш.
6. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
7. Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил давомида аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ва йирик битимлар мавжудлиги ҳамда уларнинг тузилишида қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2021 йил молия - хўжалик фаолияти бўйича зарарни тақсимлаш.
9. Ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича ўтказилган ташқи аудит ҳулосасини тасдиқлаш.

10. Жамиятнинг 2022 йил молия - хўжалик фаолиятини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва уларга тўланадиган хакнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

12. Жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш.

13. Молия вазирлигининг 11.02.2022 йилдаги 07-46-01-03/02-сонли хатини кўриб чиқиш.

14. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини ва ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш.

15. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, акциядорлар умумий йиғилиши регламенти билан таништирди.

- Кун тартибидаги масалалар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш учун – 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси учун – 5 дақиқа.
- Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар учун – 5 дақиқа.
- Овоз бериш ҳар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%. Қарши – 0. Бетараф – 0.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзоларига қуйидаги номзодларни сайлашни таклиф этди:

1. Д.М. Шарафудинова
2. Л.В. Абдурахманова
3. К.З. Мирсағатов

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 100%, Қарши - 0. Бетараф - 0.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси О.У. Газиев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2021 йил молия - хўжалик фаолияти якунлари бўйича бизнес - режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Хусусан, Жамиятнинг 2021 йилги бизнес - режа бўйича:

- жами товар (иш ва хизматлар) сотишдан даромади 4 000 000,0 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 1 589 254,0 минг сўмни ташкил этиб, 2 310 746,0 минг сўмга кам бажарилган:

- молиявий - хўжалик фаолияти соф фойдаси 391 000, минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 349 533,0 минг сўм зарар билан яқунлаган.

Йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев Жамият ижроия органининг Жамиятнинг 2021 йил яқунлари бўйича молиявий - хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйишни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%. Қарши – 0. Бетараф – 0.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиёв сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий – хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботлари ва бухгалтерия балансини ўқиб эшиттирди. Жамият молиявий ҳисоботлари аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланганлигини маълум қилди (ҳисобот илова қилинади).

Йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2021 йилдаги баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари, йиллик ҳисоботи тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%. Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиёв сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес - режаси кўрсаткичларини маълум қилди ва унинг мазмуни билан йиғилиш катнашчиларини таништирилди (Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес-режаси илова қилинади).

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес-режасини иловага мувофиқ тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%. Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Жамият кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди ҳамда йиғилиш катнашчиларидан мазкур ҳисоботни тасдиқлашни таклиф этди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%. Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиёв сўзга чиқиб, Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил давомида аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ва йирик битимлар мавжудлиги ҳамда уларнинг тузилишида қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб эшиттирди ҳамда йиғилиш катнашчиларидан мазкур ҳисоботни тасдиқлашни таклиф этди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиёв сўзга чиқиб, Жамият 2021 йилни 349 533.0 минг сўм зарар билан якунлаганлигини маълум қилди.

Жамият уставига асосан Жамиятда номинал қиймати 1094,71 сўм бўлган 100 000 дона имтиёзли акциялар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 54 - моддасига асосан жамият:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмаслигини маълум қилди.

Молия вазирлигининг 11.02.2022 йилдаги 07-46-01-03/02-сонли кўрсатмасида Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталдан) оз бўлиб чиққанлиги ҳолатлари аниқланган.

Шунингдек, Жамият молиявий қийин аҳволда эканлигини, Жамиятга нисбатан банкротлик иши кўзгатирилганлигини (суд ажрими илова қилинади) тушунтирди.

Жамият кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлганлиги ҳамда Жамиятга нисбатан банкротлик иши кўзгатирилганлиги сабабли Жамиятнинг имтиёзли акциядорларига дивидендлар тўланмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%. Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиёв сўзга чиқиб, “FINTIME” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2021 йил молия - ҳўжалик фаолияти якуни бўйича текшириш натижалари юзасидан хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (хулосаси илова қилинади).

Аудиторлик текшируви натижаси бўйича аудиторлик хулосаси берилган бўлиб, жамиятнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттириши ва амалга оширилган молиявий ҳўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ қилини кўрсатилган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, “FINTIME” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2021 йил молия - ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйишни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиев сўзга чикиб, Жамият кузатув кенгашининг 25.05.2022 йилдаги мажлиси қарорига асосан Жамият ижроия органига давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка асосан танлов асосида Жамиятнинг 2022 йил йил молия - хўжалик фаолиятини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танланишини ҳамда тасдиқлаш учун Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши муҳокамасига киритилишини таъминлаш бўйича топширик берилган.

Шунга кўра Жамиятнинг 2022 йил йил молия - хўжалик фаолиятини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича жамият сайтига эълон берилганлиги ва ушбу эълонга асосан фақатгина “Great Fours” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 10,0 млн.сўмлик тижорат таклифи берилганлигини маълум қилди ҳамда ушбу таклифни маъқуллаш учун овозга қўйишни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 0, Қарши – 100%, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиев сўзга чикиб, Жамиятнинг йирик акциядори бўлган “O’zmaxsusmontajqurilish” АКнинг 15.02.2022 йилдаги 01-56/02-09-сонли хатига асосан қуйидаги номзодларни кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш таклиф этилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, Жамият Кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чикиб, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун қуйидаги номзодларга овоз беришни таклиф қилди.

№	Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
1.	Шодиев Аъзамжон Ҳошимович	“O’zmaxsusmontajqurilish” АК бошқарув раиси
2.	Асадуллаев Бахтиёр Хамидуллаевич	“O’zmaxsusmontajqurilish” АК бошқарув раисининг биринчи ўринбосари
3.	Азизов Улуғбек Ибрагимович	“O’zmaxsusmontajqurilish” АК бўлим бошлиғи
4.	Салыходжаев ШакирТураевич	“Ташметроқурилиш” бош директори
5.	Нормухамедов Фарҳод Баҳадирович	“Тошкент Махсус Монтаж Механизация” МЧЖ директори

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан Йиғилиши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чикиб, йиғилиш қатнашчиларидан Жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш ўз таклифларини беришни сўради.

Жамиятнинг йирик акциядори - Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили – О.Р. Абдуазимов сўзга чикиб, Жамиятнинг 2021 йил учун тасдиқланган бизнес - режанинг асосий кўрсаткичларини бажарилмаганлиги ва ўз навбатида жамият ўз фаолиятини мунгазам равишда зарар билан якунлаётганлигини инобатга олиб, жамият ижроия орган раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳамда ушбу лавозимга ўрнатилган тартибда танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича тегишли номзод тайинлангунга қадар амалдаги бошқарув раисини бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи сифатида тайинлаш бўйича овоз беришни таклиф этди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан Йиғилиши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чикиб, Молия вазирлигининг 11.02.2022 йилдаги 07-46-01-03/02-сонли хатини ўқиб эшиттирди (хат илова қилинади).

Шунингдек, Молия вазирлигининг 11.02.2022 йилдаги 07-46-01-03/02-сонли хати Жамият кузатув кенгашида кўриб чиқилганлигини, унда Жамият ижроия органига Жамият акциядорларининг 18.03.2022 йилдаги умумий йиғилиш қарори билан савдога чиқарилган Жамият балансида бўлган Фаргона вилоятида жойлашган майдони 40 137,44 м² бўлган портлатиш моддалари сақланадиган омборхонани савдолардан ечилишини (олинишини), Жамият устав капиталидага давлат улуши сотилгунга Жамиятнинг товар - моддий бойликлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларини бутлигини сақлашини таъминлаш бўйича топшириқ берилган ҳамда Жамият ижроия органига Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар Молия вазирлигининг 11.02.2022 йилдаги 07-46-01-03/02-сонли хати бўйича Давлат активларини бошқариш агентлигининг муносабатини олиш топширилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг Жамиятнинг йирик акциядори - Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили – О.Р. Абдуазимов сўзга чикиб, мазкур хат бўйича Давлат активларини бошқариш агентлигининг 17.05.2022 йилдаги 03/08-2-18/1728-сонли хатига асосан қуйидагича қарор қабул қилишни таклиф этди:

- Жамият тасарруфидаги Фаргона вилояти, Фаргона тумани, Саткак МФЙ худудида жойлашган 751.94 кв.м. бўлган омбор бино ва иншоотлари ҳамда унга бириктирилган 4.01 га ер майдонини Жамият акциядорларининг 18.03.2022 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан (харажатларни қисқартириш мақсадида) “E-fuksion” электрон савдо платформаси орқали оммавий савдоларга чиқариш;

- сотувдан тушган маблағларни кредитор қарзларни қоплашга, биринчи навбатда иш хақи ва бюджет ҳамда бошқа мақсадли жамғармалардан бўлган қарзларни сўндиришга мақсадли йўналтириш ҳамда қилинган ишлар юзасидан жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилишларида ахборот киритиб бориш.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%, Қарши – 0. Бетараф – 0.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиёв сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига Давлат активларини бошқариш агентлигининг 22.04.2022 йилдаги 01/08-1-18/298-сонли хатини ўқиб эшиттирди.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг мазкур хатида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли Қонун билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солувчи бир қатор нормалар белгиланганлиги маълум қилинган ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарнинг таъсис ва ички маъёрий ҳужжатларини иловада келтирилган тартибда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш, жумладан уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, заруратга кўра янги таҳририни ишлаб чиқиш ва бошқарув органлари ваколатлари доирасида тасдиқлаш сўралган.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ – 101 - сон Фармонининг 15 - бандида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррумпцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59 – моддасига асосан жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш жамият акциядорлар умумий йиғилиши ваколатлари доирасига киритилган.

Шунга кўра Жамият томонидан тайёрланган Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини ва ички маъёрий ҳужжатларини иловаларга мувофиқ тасдиқлаш таклифи этилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%, Қарши – 0. Бетараф – 0.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиёв сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар

киритилди ҳамда унга кўра жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) шarti бекор қилинди.

Шунга кўра Жамият ижроия органи томонидан Компаниянинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмаси тайёрланди (илова қилинади).

Кун тартибидаги масала муҳокама қилинганидан сўнг, Жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини иловага мувофиқ тасдиқлаш таклиф этилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра умумий йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- Кун тартибидаги масалалар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш учун – 10 дақиқа;

- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси учун – 5 дақиқа.

- Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар учун – 5 дақиқа.

- Овоз бериш ҳар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзолари қуйидагича тасдиқлансин:

1. Д.М. Шарафудинова

2. Л.В. Абдурахманова

3. К.З. Мирсағатов

3. Жамият бошқарув раисининг 2021 йил якунлари бўйича молиявий - хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2021 йилдаги баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари, йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес-режасини 1 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилда Жамият фаолиятини бошқариш бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

7. Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил давомида аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ва йирик битимлар мавжудлиги ҳамда уларнинг тузилишида қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2021 йил молия – хўжалик фаолияти бўйича зарар билан якунлаганлиги сабабли Жамиятнинг имтиёзли акциядорларига дивидендлар тўланмасин.

9. Жамиятнинг 2021 йил молия - хўжалик фаолиятини миллий аудит стандартларига ҳам халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси ва хулосаси тасдиқлансин.

10. Жамиятнинг 2022 йил молия - ҳўжалик фаолиятини ташки аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва уларга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун колдирилсин.

11. Акциядорлар умумий йиғилишида кўпчилиكنинг овози билан маъқулланган кўйидаги номзодлар кузатув кенгашига аъзоси этиб тасдиқлансин.

№	Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими	Овоз бериш натижалари
1.	Шодиев Аъзамжон Ҳошимович	“O`zmaxsusmontajqurilish” АК бошқарув раиси	“Ёклайман”- 857 589, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.
2.	Асадуллаев Бахтиёр Хамидуллаевич	“O`zmaxsusmontajqurilish” АК бошқарув раисининг биринчи ўринбосари	“Ёклайман”- 857 589, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.
3.	Азизов Улугбек Ибрагимович	“O`zmaxsusmontajqurilish” АК бўлим бошлиғи	“Ёклайман”- 857 589, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.
4.	Салъоҳоджаев Шакир Тураевич	“Ташметроқурилиш” бош директори	“Ёклайман”- 857 589, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.
5.	Нормухамедов Фарход Бахадирович	“Тошкент Махсус Монтаж Механизация” МЧЖ директори	“Ёклайман”- 857 589, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

12. Жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш бўйича:

12.1. Жамият бошқарув раиси А.У. Газиёв билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинсин.

12.2. Жамият бошқарув раиси лавозимига ўрнатилган тартибда танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича тегишли номзод тайинлангунга қадар амалдаги А.У. Газиёвни бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлансин.

13. Молия вазирлигининг 11.02.2022 йилдаги 07-46-01-03/02-сонли хатини кўриб чиқиш бўйича:

13.1. Жамият тасарруфидаги Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Саткак МФЙ ҳудудида жойлашган 751.94 кв.м. бўлган омбор бино ва иншоотлари ҳамда унга бириктирилган 4.01 га ер майдонини Жамият акциядорларининг 18.03.2022 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан (харажатларни қисқартириш мақсадида) “E-fuksion” электрон савдо платформаси орқали оммавий савдоларга чиқарилсин.

13.2. Сотувдан тушган маблағларни кредитор қарзларни қоплашга, биринчи навбатда иш ҳақи ва бюджет ҳамда бошқа мақсадли жамғармалардан бўлган қарзларни сўндиришга мақсадли йўналтирилсин.

13.3. Жамият ижроия органи қилинган ишлар юзасидан Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилишларида ахборот киритиб борсин.

14. Жамяятнинг янги тахрирдаги устави ва ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш бўйича:

14.1. Жамяятнинг янги тахрирдаги устави 2 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14.2. Жамяятнинг янги тахрирдаги "Акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисида"ги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14.3. Жамяятнинг янги тахрирдаги "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низом 4 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14.4. Жамяятнинг янги тахрирдаги "Ижроия органи тўғрисида"ги низом 5 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14.5. Жамяятнинг "Аудит кўмитаси тўғрисида"ги низом 6 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14.6. Жамяятнинг "Тайинлаш ва рағбатлантириш кўмитаси тўғрисида"ги низом 7 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14.7. Жамяятнинг "Коррупцияга қарши курашиш ва этика кўмитаси тўғрисида"ги низом 8 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14.8. Жамяятнинг "Стратегия ва инвестициялар кўмитаси тўғрисида"ги низом 9 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Жамяятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмаси 10 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Жамяят акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни "ёпик" деб эълон қилди.

Баённома 2022 йил 30 майда тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси



Ш.Т. Салыходжаев

Йиғилиш котиби



Д.М. Шарафудинова